*Касаба уюшма ҳаёти*

**Бугунги иқтисодий ўзгаришлар даврида меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш, уни кучли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маънавий онгини кўтариш, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш каби масалалар касаба уюшма ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Касаба уюшма ташкилотларининг бу борадаги ролини янада ошириш мақсадида Тошкент вилояти Металлургия ва машинасозлар тармоқ ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг икки кунлик семинари ташкил қилинди.**

# МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Касаба уюшмаларининг бозор иқтисодиёти шароитида дунё тажрибалари асосида иш олиб бориши, дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан бу соҳада ҳамкорлик қилиши юксак кўрсаткичларга эришишни кўрсатиб турибди.

- Оғир саноатда меҳнат қилаётган меҳнаткашларга айниқса касаба уюшма ташкилотлари эътиборни кучайтиришлари ва уларнинг меҳнатини, шу билан бирга ҳаётини муҳофаза қилиш бизнинг бурчимиздир,-деди семинарда сўзга чиққан Металлургия ва машинасозлар тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Ш. Одилов. - Уларнинг оила-аъзолари ва фарзандларини ҳам унутмаслигимиз даркор. Шу йилнинг ўтган даврида 32 минг болани соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирдик.

Семинарда Италия, Украина, Туркия, Македония, Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшма ташкилотлари билан тажриба алмашиш ва ҳамкорлик қилиш, бозор шароитида меҳнат муҳофазаси масалалари тўғрисида гап кетди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси экология ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Герст Ғафаровнинг «Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва экология масалалари» мавзуидаги маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

- Ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнида 3007 та бахтсиз ҳодиса юз берди, бу эса меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалаларига эътибор сустлиги, инсон ҳаётига бефарқлик натижасида юз берган.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида меҳнатга оид муносабатлар иш берувчи ва ходимларнинг вакиллик органлари ўртасида тузиладиган жамоа шартномаси, корхонанинг ички меҳнат тартиб қоидалари, иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномаси билан тартибга солиниши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси меҳнат муносабатларига янгича ёндашувни тақозо этмоқда.

Ходимларга хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимлар иш ҳақини тўғри тақсимлаш, ишдаги юқори кўрсаткичлари учун моддий ва маънавий рағбатлантириш, қўшимча таътиллар бериш, зарарли меҳнат шароитида ишлаётган ходимларни сут маҳсулотлари билан таъминлаш каби масалалар касаба уюшмаларининг биринчи галдаги вазифаларидандир.

- Меҳнат жараёнида жароҳат олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва унинг ҳаёти учун жавобгармиз, - дейди Герст Қурбонович. - Экологияни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим. Чунки ишлаб чиқариш суръатини ўстирамиз деб, инсонлар, табиатга зарар келтириш жиноят билан тенгдир.

Юқоридаги масалалар юзасидан баҳс-мунозарали савол-жавоб бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Бош Ҳуқуқий нозири Ҳ.Премқулов «Меҳнат кодекси»нинг бажарилиши ва касаба уюшмаларининг бу борадаги назорати тўғрисида гапириб, қатнашчиларнинг саволларига жавоб берди.

Соғломлаштириш муассасалари, ишчилар саломатлиги ва уларнинг фарзандларини дам олиш масканларида дам олдириш, дори-дармон билан таъминлаш ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир туридир. Шундай экан, бу ишларни амалга ошириш юзасидан касаба уюшма ташкилотлари кўплаб маблағ ажратиб, бу масалага эътиборни кучайтирганлар.

Бу масала юзасидан Тошкент вилояти касаба уюшмаси қўмитаси бош ҳисобчиси Ким Алиса Николаевна ҳисобот берди.

Касаба уюшмаларининг вазифаси фақат ижтимоий ҳимоя билан чекланибгина қолмай, балки маданий-маърифий, спорт соҳасида ривожланган давлатлар қаторида ўз кучини кўрсатиши керак.

Ўзбекистон касаба ушмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Элёр Ҳамилоевич Ёқубов бу масалада ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

- Биз дунё халқлари ҳамжамияти билан узвий алоқада бўладиган ва ҳамкорлик қиладиган вақт келди. Дунё тажрибалари асосида, Италия, Америка, Туркия, Корея ва бошқа давлатлар билан иш олиб боришни йўлга қўйдик.

Йил давомида қанчадан қанча кўрик-танловлар ва халқ ижодиёти конкурслари ўтказиб келинмоқда. Бу хусусда биз айниқса фаол бўлмоғимиз лозим. Яна бир муҳим масала. Ҳеч қандай олий ўқув юртида касаба уюшма мутахассислиги бўйича факультет, ёки билим юрти йўқ.

**Д.ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# МАШАҚҚАТЛИ, ЛЕКИН ХАЙРЛИ

**Республикамиз Мустақилликка эришгач, меҳнат аҳлини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофаза этиш янада муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлатимиз Қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларида ҳам бу нарса ўзининг ёрқин ифодасини топган. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам ана шундай муҳим ҳужжатлардан биридир.**

Бу ўринда бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитлари кундалик ишларимизга ҳам ўз таъсирини ўтказаяпти, албатта. Ўтиш даври қийинчиликлари, бир қатор ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ишларнинг умумий аҳволига салбий таъсир қилаяпти. Жумладан, Меҳнат муҳофазаси ва шароитларини яхшилаш ишлари зарур маблағларнинг етишмаслиги туфайли қатор камчиликларга сабаб бўлмоқда.

Гарчи шундай бўлсада,мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларда ижобий томонга силжишлар ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Касаба уюшмаларининг қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этишлари натижасида меҳнаткашлар учун зарур шароитларни яратиб бериш ва техника хавфсизлигини таъминлашда муайян натижаларга эришилаяпти.

Касаба уюшмалари вилоят кенгашининг меҳнат техник инспекцияси ходимлари жойларда қонунларнинг бажарилишини қатъий назорат остига олишган.

1998 йилда текширишдан ўтказилган 166 та корхонада жами 1768 та турли қоида бузилишлари, меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қоидаларининг қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Бу камчилик ва нуқсонларнинг 814 таси бартараф этилди. Техник нозир томонидан меҳнаткашларнинг 128 та ёзма ва оғзаки мурожаатлари кўриб чиқилди. 12 та махсус текширувлар ўтказилди. Улар натижасида ишлаб чиқаришда рўй берган бахтсиз ҳодисаларнинг сабаблари атрофлича ўрганиб чиқилди.

19 та иншоот қурилишини бошлаб юборишга рухсат берилди. Қурилаётган объектларнинг 16 тасида огоҳлантирувчи назорат амалга оширилди. Давлат комиссияси аъзолари билан бирга меҳнат техник нозирлиги ходимлари 14 та объектни фойдаланишга топшириш учун қабул қилиб олишда иштирок этдилар.

Келиб чиқиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида техник жиҳатдан носоз 51 та асбоб-ускуналарнинг иши тўхтатиб қўйилди. 8 та цех ва участкаларда ҳам камчилик ва нуқсонлар борлиги учун уларнинг иши вақтинча тўхтатилди.

Меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қоидаларини бузганлиги учун 16 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 5 нафар мансабдор эса меҳнат техник нозирлиги ходимларининг талабига кўра ўз лавозимидан четлаштирилди.

Очиғини айтиш керакки, жойларда меҳнат муҳофазаси талабларига қатъий риоя қилинишига эришиш ўз-ўзидан бўлмаяпти. Меҳнат техник нозирлиги ходимлари бу борада ҳақиқий қатъийлик намуналарини кўрсатаяптилар. Мансабдор шахсларга нисбатан қаттиқ қўллик қилишга тўғри келаяпти. Зарур ҳолларда улар маъмурий жавобгарликка тортилмоқда. Меҳнат аҳли учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб беришни истамайдиган баъзи бир корхона раҳбарларини эгаллаб турган лавозимларидан четлаштириш бўйича юқори ташкилотларга тавсиялар берилди. Ҳуқуқ тартибот органлари ҳукмига ҳавола этилган текширув натижалари материаллари ҳам йўқ эмас. Мақсадимиз ягона - у ҳам бўлса меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги борасида қабул қилинган Қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг барча ерда тўлиқ бажарилишига эришишдир.

Ишлаб чиқаришда жароҳатланган кишилар ва бахтсиз ҳодисага учраган ишчи-хизматчи оилалари ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва бу борада аниқ ишларни амалга ошириш - меҳнат техник нозирлиги ходимларининг асосий вазифаларидан бирига айланган. Ниҳоятда машаққатли, бироқ хайрли ана шу ишни амалга оширишда узоқ йиллардан бери бу соҳада самарали ишлаб келаётган Бахшулла Азимов, Рустам Ашуров, Сами Муҳитдинов, Ирина Савинова, Мастура Саидова, Жалол Шаропов, Исо Саидов, Мурод Қудратов сингари техник нозирларнинг хизматлари катта, албатта. Улар корхона ва ташкилотларда бўлганларида мавжуд камчилик ва нуқсонларни тугатиш йўлларини кўрсатиш билан бирга зарур профилактик - тушунтириш ишларини ҳам олиб бордилар. Бу эса ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва ўлим билан тугайдиган бахтсиз ҳодисаларнинг йилдан йилга камайишига олиб келаяпти.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 1996 йил, 23 сентябрдаги қарорига мувофиқ эълон қилинган меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловида фаол иштирок этган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бу борада бир қатор ишларни амалга оширдилар.

Кўрик-танлов давомида Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмитасининг ишловчиларга зарур меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш борасидаги фойдали иш тажрибаси оммалаштирилди.

Ушбу жамоа хўжалиги базасида агросаноат мажмуи барча ходимлари ва касаба уюшма фаоллари билан меҳнат муҳофазаси бўйича семинар-кенгаш ўтказилди.

Белгиланган тадбирлар бажарилишини таҳлил этиш натижасида шу нарса аниқландики, республика кўрик-танловида иштирок этган вилоят корхона ва ташкилотларининг 50 фоизи ана шу тадбир шартларини тўлиқ бажариб, яхши натижаларга эришди.

«Ўзқурилишмеханизация» трестининг 220-кўчма механизациялашган колоннаси ҳиссадорлик жамияти, Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги касаба уюшма қўмиталари, «Бухорогаз» ишлаб чиқариш бошқармасининг Бухоро газ тўлдириш станцияси, «Бухорошаҳруд» ҳиссадорлик жамияти, «Амубухороканалқурилиш» бошқармасининг 3-қурилиш монтаж бошқармаси, «Саноатэнергомонтаж», «Ўзэлектромонтаж» бошқармалари, «Бухоронефтгазпармалаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, Бухоро электр тармоқлари корхонасининг бир қатор бўлинмалари, 9-автотранспорт корхонаси, «Бухоротранс» давлат ҳиссадорлик жамиятининг қатор автокорхоналари, кўплаб агросаноат мажмуи ва қурилиш корхоналари меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчилик комиссиялари ва вакиллари фаолияти кўрик-танловда юқори баҳоланди. Улар ўз корхона ва ташкилотларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги устидан тўғри назорат ўрната олдилар, ишловчиларнинг шахсий ҳимоя воситаларига эга бўлишларини таъминладилар, янги ишга қабул қилинганларга йўл-йўриқлар бериш, зарарли шароитларда ишловчиларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш ишларини ҳам назорат қилиб бордилар. Натижада бу меҳнат жамоаларида иш унумдорлиги ошди, рўй бериши мумкин бўлган нохуш воқеа-ҳодисалар, бахтсиз ҳоллар ва тасодифларнинг олди олинди.

Хуллас, бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқмаслиги корхона ва ташкилот раҳбарларининг нечоғлик куюнчаклик билан иш олиб боришларига, кундалик меҳнатни тўғри ташкил эта олишларига, ишловчилар учун маданий-маиший шароитларни яратиб беришларига, жойларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига сўзсиз риоя қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

**Л.ЖУРБЕНКО,**
**Бухоро вилояти касаба уюшмалари кенгаши меҳнат бош техник нозири.**



**Тошкент вилоятидаги Оҳангарон нон ишлаб чиқариш комбинатида янги иш ўринлари яратиш борасида иш олиб борилаётир. Бу комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ва сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.**

**Суратда: ишчи Холида Қосимова.**

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

*Мустақиллик шарофати*

# ЮРТ УЛУҒВОРЛИГИ ЧЕТДА БИЛИНДИ

**«Камолот» ёшлар жамғармаси ўтказган танловда ғолиб чиқиб, етти ёш юртдошимиз қаторида Самарқанд чет тиллар институти талабаси Шаҳноза Ҳабибова ҳам Японияда бўлиб қайтди. У мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни сўзлаб берди.**

Ватанимиз Мустақилликка эришгач, турли соҳаларда чет эллар билан алоқа ўрнатилди. Тенгдошларим қатори Японияга бориш насиб этганини энг аввало истиқлол шарофати, Президентимизнинг ёшлар келажаги ҳақидаги ғамхўрлигининг меваси деб биламан. Шу туфайли ҳам Ўзбекистонни, юртимиз ёшларини дунё танимоқда.

Биз Японияда ҳар йили ўтказиладиган анъанавий халқаро ёшлар конференциясида қатнашдик. Бу ерда бошқа мамлакатлардаги тенгдошларимизнинг ҳаёти, фаолияти билан танишдик. Дунёқарашимиз, билимимиз бойиди. Уларга Ўзбекистон ҳақида сўзлаб бердик. Айни вақтда уларнинг юртимиз хусусидаги фикрларини билдик. Шунда юртимиз нақадар улуғворлигини, Ўзбекистон келажагига умид катталигини англадик.

Қарийб бир ой мобайнида Япониянинг Тагичи, Нигота, Ашика шаҳарларида бўлдик. Мен Ашика шаҳрида Нагатакилар оиласи билан танишдим. Японлар ўз шаҳарларининг тозалигини, миллий маданиятини юксак қадрлашар экан. Бу «кун чиқар» мамлакатда фан-техника тараққиётининг сирини англагандай бўлдим. Мазкур мамлакат одамлари бирор лаҳзани ҳам беҳуда ўтказишмас экан. Бизнинг ҳам улардан кам жойимиз йўқ. Лекин айрим ёшларимиз вақтнинг қадрига, Истиқлол туфайли берилган имкониятлар қадрига етишмаяпти, чоғи. Агар қалбимиздаги ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини жўш ундиролсак, аждодлари буюк Ватанга муносиб хизмат қила олишимизга, юртимиз келажаги чиндан буюк бўлишига ишонаман.

**Р.ҚУРБОНОВ ёзиб олди.**

*Иқтисодиёт чорраҳасида*

# МАРКЕТИНГ БАШОРАТИ

«Технолог» ҳиссадорлик жамияти қишлоқ хўжалик машинасозлигининг янги, замонавий технологиялар билан жиҳозланишида ниҳоятда салмоқли ўринга эга. Яқин ўтмишда иқтисодий таназзулни бошидан кечираётган ушбу корхона буюртмачилар билан тузган шартномалари, ишлаб чиқаришни намунали ташкил этгани орқали республикамизда оғир индустрияни тараққий эттириш имкониятлари мавжудлигини исботлади. Бу ҳиссадорлик жамияти қошида унга яқин фирмалар ҳам ташкил этилган. «Асбоб-ҚҚ» илмий-техник фирмаси шулар жумласидандир.

Иқтисодий муносабатларда янги-бозор тизими ҳукм сура бошлагач, ҳар бир корхона-ташкилотнинг тақдири ўзига хос тарзда шакл-шамойил топа бошлади. Бир томонда ўнлаб корхоналар бирлаштирилса, бошқа жабҳада монополлашган ишлаб чиқариш майда-майда бўлакларга ажратиб юборилди, уларнинг молиявий, ташкилий, маъмурий бошқарувида ислоҳотлар қилинди. Бундай шароитларда «Асбоб- ҚҚ» (Қаттиқ қотишмалар) илмий-техник фирмасининг яшаб қолиши учун эса маркетинг фаолияти бош омил бўлди.

Бундан қарийб қирқ йил илгари ташкил этилган ушбу бўлинма биринчи навбатда қаттиқ қотишма моддаларини кесиш, қайта ишлаш ва ҳаётга тадбиқ этишга мўлжалланган эди. У асосан собиқ Иттифоқ чегарасидаги авто ҳамда қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари билан ҳамкорликда ишлашга мослаштирилганди. Унинг ҳисобида нуфузли ташкилот, тармоқ маъмуриятларининг соврин-мукофотлари ҳам мавжуд...

Кейин буларнинг ҳаммаси ортда қолиб, ўзининг барча қийинчилик ва ноқулайликлари билан ўтиш даври кириб келди. Марказ буюртмасидан бир қадам ҳам оғишмай ишлаб келаётган фирма қайта қуриш жараёнларида ўзини қоронғу бўшлиққа ташлангандай сезди. Бир қарашда ҳеч кимга «сўз бермайдиган» малакали мутахассисларнинг ён атрофдаги корхоналар муаммосидан бехабарликлари аниқравшан бўлиб қолди. Шунда бу мутахассислар зудлик билан янги фаолият - маркетинг билан шуғулланишни йўлга қўядиларки, йиллар мобайнида йиғилган илмий-техник тажриба яна ўз кучини кўрсата бошлади.

Ишлар ўлда-жўлда, суст кетаётган бир шароитда маркетинг тадқиқотлари ҳали технологик ускуналар учун махсус жиҳозлар, инструментлар жуда зарур эканлигини, бунга корхоналарда эҳтиёж катталигини аниқлади. Қолаверса, бу жиҳозларнинг ҳаммаси хорижники эди.

«Асбоб-ҚҚ» илмий-техник фирмаси айнан бозор талабига «қулоқ солиб» жиҳозлар яратишга киришиб кетди. У ишлаб чиқарган технологик мосламалар ҳозирда «Ўзнефтегаз» давлат миллий компанияси, Энергетика вазирлиги, Нон маҳсулотлари вазирлиги ва бошқа идоралар корхоналарида кенг қўлланаётир. Муҳими уларнинг сифати хориж маҳсулотлари билан бемалол беллаша олади, қолаверса, бу маҳсулотларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши республикамизнинг валюта заҳираларини иқтисод қилади.

Фаолиятнинг навбатдаги турини ҳам ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берди. Кенг ҳажмдаги қурилиш, аҳоли яшайдиган ҳудудларнинг ободонлаштирилиши, дам олиш ва истироҳат боғларининг янги услубларда барпо этилиши ранг-баранг фавворaларга эҳтиёж туғдирди. Ҳозирда Тошкент, Самарқанд, Наманган ва бошқа шаҳарларимизда порлаб турган фавворалар ҳам шу фирма қўлидан чиққан.

Автосаноат корпорацияси билан ҳамкорликда йўлга қўйилган фаолият ҳам, ҳар қанча жиддий бўлмасин, ўзини оқлади. Фирма жамоасининг саъй-ҳаракати билан «ЎзДЭУ» автомобилларининг баъзи эҳтиёт қисмлари «Асбоб - ҚҚ».да ишлаб чиқарила бошлади. Бундай жиддий синовдан муваффақиятли ўтиш эса фирма қаршисида янгидан-янги уфқлар очди. Ҳозирда у «Кейс» маркали қишлоқ хўжалик автомашиналарини тайёрлашни йўлга қўйди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берила бошлагач, бу тизимда ҳам ўзига харидор-мижоз топишга ҳаракат бошланди. Алалхусус, ёрдамга яна маркетинг хизмати келди. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўнлаб фирмалар бугунги кунда «Асбоб - ҚҚ»нинг доимий мижозлари ҳисобланади.

- Ташқаридан қараганда, фирмамизни безовта қилаётган муаммолар умуман йўқдек туюлиши мумкин,- дейди «Асбоб - ҚҚ» илмий-техник фирмасининг директори Алишер Абдураҳмонов. - Аслида ундай эмас. Биз айни вақтда узоқ истиқбол у ёқда турсин, эртанги кун ҳақида ишонч билан бирон нарса дейишга ҳайиқамиз. Универсал кўринишдаги ҳозирги ускуналаримиз эски технологияга асосланганлиги бизни хавотирлантиради. Дарҳақиқат, эски технологияга мосланган ускуналар энергия, металл, хом ашё ва қолаверса, вақтни кўп «истеъмол» қилади. Ундан ташқари рангли металлнинг 75 фоизи чиқитга чиқиб кетаётгани, алоҳида жиҳозларни тайёрлаш бир мунча қимматга тушаётгани, махсус асбобларни тайёрлаш умуман имконият даражасидан ташқарида эканлиги ташвишлидир. Шунинг учун ташвишлики, эски услубдаги технологиялардан чиққан жиҳозлар, махсус асбоблар рақобатга бардош беролмаганлиги туфайли ҳам бозордан сиқиб чиқарилиши мумкин. Таассуфки,бу нохуш тахминни ҳам маркетинг фаолияти башорат қилиб турибди.

**Н. АЛИМОВ.**

***Андижон вилоятидаги «Пахтаобод» вагон таъмирлаш корхонаси жамоаси зиммаларидаги вазифани тез ва соз ўташмоқда. Вагонларни қисқа фурсатда сифатли таъмирлаб беришмоқда.***

**Суратда: илғор токарь Маҳмуджон Ҳакимжонов.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.



*Ўлкамиз неъмати*

# ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Табиат инсонга ўз саҳийлигини кўрсатаётган шу қутлуғ куз кунларида Наманган вилоятида анъанавий шаҳар ва қишлоқ аҳли дўстлиги амалда яна бир бор ўз исботини топмоқда. Ўтган ойнинг охирларидан эътиборан вилоят ва туманларнинг марказларида қишлоқ хўжалик ҳамда боғдорчилик маҳсулотлари бозорлари уюштирилмоқда. Биргина истиқлол байрами арафасида Чортоқ туманидан вилоят марказига 300 тоннага яқин ноз-неъматлар келтириб сотилди.

— Биз боғ-роғларда етилган маҳсулотлардан сотяпмиз,-дейди суҳбатда Бобур номли жамоа хўжалиги умумий овқатланиш бўлимининг бошлиғи Комилжон Мўминов. — Мавжуд 1,5 минг гектар экин майдонларимизда ва боғларда ҳосил мўл етилди. Шу муносабат билан 29 турда маҳсулот келтирганмиз. Булардан ташқари, бизда майда саноат шаҳобчалари фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Уларда 100 га яқин киши ишлаяпти. Ҳунармандларимиз тайёрлаган гилам, сўзана, темирчилик буюмлари сингари кенг халқ истеъмоли моллари савдосини ҳам йўлга қўйганмиз.




***Суратда: пойтахтимиз бозорларида қишлоқ хўжалик ярмаркаси давом этмоқда.***

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

